


«МАМЛАКАТ УСТУНИ, ДАВЛАТ ТАЯНЧИ»

“...*(Алишернинг)* унвонларини бундай деб ёзар эдилар: “*Ҳидоят соҳиби, шараф ва ҳурматнинг олий нуқтаси, дин ва давлат арбобларининг сараси, юрт ва миллат пешволарининг қуввати, хайрли ишларнинг ташаббускори, хайру эҳсон муассасаларига равнақ берувчи, салтанат устунни, подшоҳларни қўлидан етакловчи, султон давлатининг умиди ва ишончи, султоннинг яқин дўсти, ҳақиқат ва дин низоми Амир Алишер*”.

(Хондамирнинг “Равзат ус-сафо” асаридан).

Бу йил 9 февраль куни улуғ шоир ва мутафаккир Алишер Навоий таваллудининг 583 йиллиги кенг нишонланади. Ушбу муборак сана билан боғлиқ маданият ва маърифат тадбирларининг барчаси мантиқан бир-бирини тўлдириб, эл-юртимиз маънавиятини юксалтиришда улкан аҳамият касб этиши тайин.



Навоий ҳаёти ва фаолиятига оид янги асар

Алишер Навоий маърифатпарвар шахс сифатида ўзи яшаган замонда ҳам, кейинги даврларда ҳам тарихий манбаларда алоҳида қайд этилиб, шеърин асарларда кенг таъриф ва тавсиф қилинган. Беш асрдан зиёд муддат мобайнида буюк шоирнинг ҳаёт йўли ва ижодий фаолияти ҳақида жуда кўп китоблар ёзилган.

Ҳазрат Алишер Навоий асарлари мағзиға сингдирилган ҳаётини фалсафа замирида одамийлик ва бағрикенглик, эзгулик ва адолатпарварлик гоёлари ўз муҳассамини топган. Янги Ўзбекистонни барпо этаётган ва учинчи Ренессанс пойдеворини тиклаётган замондошларимиз шундай эзгу фазилатларнинг соҳиблари бўлиши фарзу қарзидир. Нега деганда, Ўзбекистон Президентининг **“Маънавият бошқа соҳалардан олдинда юриши, янги кучга, янги ҳаракатга айланиши керак”**, деган чорлови айнан шуни тазоко этади.

Биргина XX асрда юртимизнинг ўзида Иззат Султон, Воҳид Зоҳидов, Ойбек, Азиз Қайюмов, Ҳамид Сулаймонов, Натан Маллаев, Суййима Ганиева каби забардаст олим адиблар Алишер Навоий ижодиётининг турли қирраларига бағишланган илмий, тарихий ва адабий-бадий асарларини чоп эттирган. Янги юз йилликда — мамлакатимизда навоийшунос олим ва адибларнинг изчил изланишлари янада юксак босқичларга қўтарилмоқда.

Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университетини ректори, академик Шухрат Сирожиiddинов айна соҳанинг изчил фидойи тадқиқотчиси ва пешқадам муаллифларидан бири ҳисобланади. Бу фикримизнинг олимнинг 2023 йилда нашрдан чиққан **“Амир Алишер”** номи китоби ҳам яққол тасдиқлаб турибди.

Янги китоб қайси жиҳатлари билан бошқа асарлардан фарқ қилади? Мазкур нашрнинг илк варағидаги мухтасар изоҳ (резюме)да қайд этилганидек, асосий фарқли хусусиятлар шундаки: **биринчидан**, Алишер Навоий ҳаёти ва фаолияти билан боғлиқ илк қўлёзма манбалар қайта кўриб чиқилган; **иккинчидан**, XX асргача бўлган даврда битилган маълумотларнинг илк манбалардан фарқлиниш даражаси аниқланган;

учинчидан, улуғ шоир ва давлат арбоби ҳаётининг баъзи номаълум томонлари ойдинлаштирилган;

тўртинчидан, бир қанча янги ахборотларни тақдим этиш орқали Навоий ҳазратларининг ҳаёти тафсилотларини тўлиқ

таставвур қилиш имконияти яратилган.

Шу маънода, янги китоб таниқли навоийшунос олимнинг узоқ йиллик изланишлари ҳосиласи ҳисобланади. Ушбу асар, таъбир жоиз бўлса, муайян мавзудаги чўқур илмий-ижодий тадқиқот жараёнларининг ўзига хос салмоқли сарҳисобидир.

Иккинчи Шарқ Ренессансининг буюк намояндаси

Ушбу китобда, муаллифнинг ўзи ҳам эътироф этганидек, “Алишер

Навоийнинг таржимаи ҳоли энг қадимий, илк манбаларда берилган маълумотлар асосида” ёритилган. Бу илмий-тарихий нуқтаи назардан жуда муҳим.

Чунки янги Ўзбекистон билан боғлиқ бугунги давр воқеалиги Алишер Навоийнинг халқимиз ва жаҳон маданияти ҳамда илм-фани ривожига қўшган улкан ҳиссасини янада кенг тарғиб этишни кун тартибига қўймоқда. Бунда мустақиллик шарофати билан Навоий биобиографиясини тўлиқ ўрганиш ва ҳақиқий таржимаи ҳолини яратиш, ул зотнинг ижоди ва маънавий меросини аслича, моҳиятини теран тушунган ҳолда тадқиқ қилиш борасида юзага келган имкониятлардан изчил ва самарали фойдаланиш талаб этилади.

Бундай янгича амалий қадамлар, аввало, маънавиятимиз юксалиши, кўнча тарихимиз тикланиши учун керак. Айни чоғда бундай замонавий ёндашув Алишер Навоий ҳамда ўз ҳаёти ва ижоди билан Шарқ халқлари маданиятини яқинлаштирган бошқа ўнлаб аллома-лар, шоир ва мутафаккирларнинг бой илмий-адабий меросини ўрганиш, улар қолдирган ноёб китоб ва қўлёзма асарларини дунёнинг турли тилларига таржима қилиш, нашр этиш, оммалаштириш билан боғлиқ ташаббусларни қўллаб-қувватлаш, бу оламшумул моддий-маънавий меросни халқлар дўстлигини мустаҳкамлашга хизмат қилдириш мақсадларини рўёбга чиқаришда ниҳоятда аҳамиятлидир.

Бинобарин, буюк ўзбек шоири ва мутафаккири, атоқли давлат ва жамоат арбоби, таълим-тарбия ҳамда илм-фан, маънавият ва маданият, она тилимиз ва адабиётимиз ҳомийси бўлган Навоий ҳазратлари — халқимиз маънавий дунёсининг шаклланишига гоят кучли ва самарали таъсир қўрсатган ёрқин сиймоларимиз сирасига кирди. Алишер Навоий иккинчи Шарқ Уйғониш даврининг йирик намояндаси сифатида жаҳон цивилизацияси тарихида алоҳида ўрин тутди.

Улуғ аждодимизнинг адабий мероси беҳад улкан ва серқирра бўлиб, биргина шеърин асарларининг ўзи 100 минг сатрдан ортиқдир. Академик Ш. Сирожиiddинов таъбири билан айтганда, *“Бундай шоир жаҳон адабиётида санокли десак, асло муболага бўлмайди”*.

Навоий бобомизнинг нафақат шоир, балки адабиётшунос мақомидаги тадқиқотлари ҳам ўта муҳим бўлиб, айни йўналишдаги самарали фаолияти туркий ва форсий адабиётни ривожлантиришда улкан аҳамият касб этди. Биз талқин қилаётган китоб муаллифи таъбири билан айтганда, *“У “Мезон ул-авзон” асарида аруз тизимини тартибга солган бўлса, Шарқ шеъринининг муаммо, қасида каби XV асрга келиб*

деярли унутилаёзган жанрларини тиклашга алоҳида эътибор берди”.

Яна бир муҳим жиҳати шундаки, Алишер Навоий раҳнамолик қилган Ҳирот адабий муҳитининг ривожи учун султоннинг ўзи катта шароит ва қулайликлар яратиб берган. Шу тариқа буюк мутафаккир номи етти иқлим фозиллари ва санъаткори ҳомийси сифатида доврўқ топган.

Ҳазрат Навоийнинг беминнат эзгуликлари борасида жуда кўп таъкир-навислар, тарихчилар, шоирлар, олимлар ўз асарларида шохидлик билдирган. Бунинг исботини улуғ аждодимизнинг замондошлари асарларида, унинг шаънига ҳатто кўплаб хаттот ва котиблар томонидан битилган турли мадҳияларда ҳам учратиш мумкин.

Туркий адабий тил асосчиси

Ўзбекистон Президенти бугунги мураккаб ва таҳликали ҳаёт олдимиизга қўяётган вазифалардан келиб чиқиб, маънавият ва маърифат соҳасида қатор долзарб масалаларни ҳал этишга эътиборни қаратиб келмоқда. Шу устувор вазифалардан бири ўзбек тилининг давлат тили мақомини амалда кучайтиришдир.

Президент Шавкат Мирзиёев раислигида 2023 йил 22 декабрь куни бўлиб ўтган Республика Маънавият ва маърифат кенгашининг кенгайтирилган ййғилишида ҳам ўзбек тилини ўқитиш самарасини ошириш масаласига алоҳида эътибор қаратилди. **Миллий сертификатга эга бўлган Ўзбек тили ва адабиёти фани ўқитувчиларига янги ўқув йилидан бошлаб 50 фоиз устама тўланиши қайд этилди.**

Давлатимиз раҳбари, шунингдек, бошқа тилларда таълим олган ҳамюртларимизни давлат тилини ўрганишга рағбатлантириш чоралари кўрилишини урғулади. Бошқа тилларга ихтисослаштирилган мактабларда давлат тилини ўқитиш соатлари кўпайтирилиши, **ўзбек тили бўйича халқаро фан олимпиадаси ташкил қилиниши таъкидланди.**

Шу маънода, “Амир Алишер” китобида буюк аждодимизнинг туркий адабий тил асосчиси эканига оид қизилкарли маълумотлар тақдим этилгани диққатга сазовор. Бу, бир томондан, мазкур асарнинг нечоғли долзарблигини кўрсатади, иккинчи томондан, она тилимизнинг шаклланиши, ривожланиши, хусусан, олис тарихда давлат тили мақомига олиб чиқилиши йўлидаги мураккаб ва гоятда аҳамиятли сазй-ҳаракатларга тааллуқли илмий маълумотлар замондошларимиз, айниқса, ёшларимиз билиминини тубдан оширишга хизмат қилади.

Масалан, Алишер Навоийнинг туркий тил макени кўтариш йўлидаги кураши ҳақида фикр юрилганда, биринчи навбатда, **“Муҳокамат ул-лугатайин”** асарига тўхталиш айни муддаодир. Зеро, ушбу асар тисолида унинг муаллифи тилимизнинг бой имкониятларини кўрсата олган ва араб ҳамда форс тилларидан ҳеч қайси жиҳатдан кам бўлмаган гўзал ва қудратли тил эканлигини исботлаб берган забардаст тилшунос олим сифатида ўзини ёрқин намоян этган.

Ҳазрат Навоий яшаган даврларда, академик Ш. Сирожиiddинов таъкидлаганидек, форс тили — шеърини тили, араб тили — илмий тил деб қабул қилинган ҳолда, туркий тилга эса авом тили сифатида қараш мавжуд бўлган. Бу, албатта, мўғул босқинчилиги туфайли йўқ қилиб юборилган туркий халқларнинг кўп минг йиллик давлатчилик тажрибаси ва бой маънавий-адабий мероси, шонли тарихи ва инсонпарвар қадриятлари қатори фусункор тилини ҳам тиклаш қийин кечгани билан боғлиқ муаммоларнинг оқибатидир.

Шунинг учун, китоб муаллифи эътибор қаратганидек, *“Хатто Темур саройида туркий тилининг давлат тили даражасига олиб чиқиш ишлари охирига*

етказилмай қолган. Шундай бир шароитда Алишер Навоий ўз олдига турк-ўзбек тили мақомини тиклаш мақсадини қўйди”.

Шу маънода, бугунги кунда хорихда ва юртимизда ўзбек тилини ўрганиш бўйича замонавий технологияларни ишлаб чиқишда она тилига муҳаббат, уни улуғлаш, беқиёс бойлиги ва буюклигини англаш туйғуси ҳам онгу тафаккуримизга, юрагимизга, аввало, Алишер Навоий асарлари билан кириб келгани бизга ниҳоятда қўл келади. Зотан, улуғ аждодимиз ўзининг ўзбек тили мақомини тиклашдек эзгу мақсадига эришди — бутун мамлакатни яққалам, яъни бир тилли қилди.

Севимли шоиримиз Абдулла Ориповнинг машҳур “Ўзбекистон” касидасида эътироф этилганидек:

“Темир тиги етмаган жойни Қалам билан олди Алишер”.

Шундай қилиб, Миллат Сардори сўзлари билан айтганда, **“Улуғ шоир ўзининг шеърини ва насрий асарларида юксак умуминсоний гоёларни, она тилимизнинг беқиёс сўз бойлиги ва чексиз ифода имкониятларини бутун жозибаси ва латофати билан намоян этиб, Ер юзидаги миллионлаб китобхонлар қалбидан муносиб ва мустаҳкам ўрин эгаллади”**.

Навоийшунослик: ҳали ўрганилмаган ёҳуд баҳсли мавзулар талқини

Мустақиллик йилларида навоийшунослик ҳам кўзга кўринарли ютуқларга эришди. Мустабид тузум даврида ман этилган мавзулар, жумладан, улуғ шоир ижодидаги қуръоний асослар, сўфиёна дунёқараш масалаларида бир қанча тадқиқотлар яратилди.

Шу билан бирга, навоийшуносликда ҳали-ҳануз атрофлича кўриб чиқилмаган айрим муаммолар, қалтис ва “нозик” саналган муайян мавзулар борлигидан ҳам кўз юмиб бўлмайди. Академик Ш. Сирожиiddинов айни шундай мавзулардан айримларини илмий-тарихий нуқтаи назардан чуқур таҳлил қилган.

Китоб муаллифи бу мураккаб изланишлар жараёнида Навоий бобомизнинг шаъну шавкати, қадри ва қиммати, обрў-эътибори зиғирча зиён кўрмаслигини қатъий ҳисобга олган. Шунинг баробарида, ҳар қандай баҳсли масалалар турли бирламчи манбалар асосида ёритилгани, бунда тарихий ҳақиқат ва илмий ҳолислик тамоийилларига изчил риоэ этилгани диққатга сазовор, деб ҳисоблаймиз.

Шуни ҳам айтиш керакки, навоийшунос олимнинг илгари эълон қилинган мавзуга доир тадқиқотларида, хусусан, 2011 йили чоп этилган **“Алишер Навоий: манбаларнинг қийсий-типологик, текстологик таҳлили”** номли асарида навоийшуносликка шу кунгача маълум маълумотларнинг асл ҳолати ўрганилган. Бунда қийсий типологик-текстологик таҳлилдан ўтказиш орқали XX асргача бўлган давр оралиғида яратилган манбалардаги далилларнинг илк маълумотлардан фарқ қилиш даражаси аниқлангани диққатга лойиқдир.

Мисол учун, академик Ш. Сирожиiddинов тарихий манбаларни атрофлича ўрганиш асносида Навоий ҳазратларининг бобоси Абу Саъид Бек теурийзода Хусайн Бойқаро жуда ҳам яқин инсон бўлган, деган хулосага келади. Бу ўринда *“Хатто тахминимизча, айни Абу Саъид Бойқаро Мирзога эмикдош-қўқалдош бўлган бўлиши мумкин ва шу жиҳатдан Бойқаро қаерда яшамасин, у билан бирга бўлган”*, деб ёзади китоб муаллифи.

Шу неғизда навоийшунос олим кутилмаган, лекин муайян тарихий ва илмий-назарий асосга эга бўлган шундай хулосага келади. Яъни Мир Алишер Амир Теурийнинг тўрт ўғлидан бири — Шохрух Мирзо ҳукмдорлиги даврида исёнкорлиги учун қаттиқ жазоланган ва нонқўрликда айбланган Хусайн Бойқарони тарихий асарларда оқлаш ва айни чоғда унинг яқин сафдоши бўлган ўз бобоси билан фахрланишининг иложи йўқлигини теран англаб етган.

Академик Ш. Сирожиiddинов асосли баҳо берганидек, Навоий бобомиз теурийлар тарихига соя туширмаслик тарафдори бўлган. Бинобарин, китобда: *“Мир Алишернинг Бойқаро хонадони ва ўз ота-боболари исмларини тилга олмай ўтишининг сабаби шу би-*

лан изоҳланиши мумкин”, деб ёзилгани мантиққа тўғри келади.

Навоийшуносликда ноаниқ бўлиб келган яна бир қалқаш мавзу: Алишер Навоий Самарқандга сургун қилинганми? Китобда ушбу савол атрофидаги масалаларга дахлдор бир қанча манбаларни ўрганиш ва янгича неғизда таҳлил этиш орқали энг мақбул жавобни илгари суриш йўлидан борилгани диққатимизни тортиди.

Хусусан, В. Бартольд Мирзо Бобур сўзларига таяниб, Алишер Навоий Самарқандга Абу Саъид томонидан сургун этилган, деган фикрни маъқуллаган. Бунда Мир Алишернинг ўзи таҳсил учун борганлигини айтган бўлсада, “У пайтларда таҳсил учун Ҳиротдан Самарқандга бормас эдилар” деган мулоҳазаси билан ушбу далилни инкор этган. Натижада аксарият навоийшунослар В. Бартольдга тегишли “Навоийнинг Ҳиротдан Самарқандга кетиши сургун сифатида қаралиши лозим”, деган баҳссталаб хулосага таянган ва уни ривожлантириш йўлидан борган.

Ўз навбатида, Е. Бертельс ҳам “Навоий” монографиясида буюк шоирнинг Самарқандга борганлигини сургун деб ҳисоблаган. У ўзининг ушбу хулосасини “бу пайтларда Самарқанд илм-фан маркази эмас эди”, деган фикри билан изоҳлаган.

Академик Ш. Сирожиiddинов бу борадаги турли ёндашувларни танқидий таҳлил этар экан, аввало, Мирзо Бобурнинг фикри нотўғри талқин қилинганга эътиборни қаратгани аҳамиятли. Хусусан, *“Заҳриiddин Муҳаммад Бобур аслида “Абу Саъид Навоийни Самарқандга нега сургун қилди?” деб эмас, балки “Билмайман, қайси гуноҳи учун Ҳиротдан чиқариб юборди?” деган мазмунда гапирган”*, дея қайд этган олим.

Китобда ўзбек олимнинг айни масалага ўз баҳоси ҳам тақдим қилинган. Яъни академик Ш. Сирожиiddинов таъкидлаганидек, *“Навоий ўзи эътироф этганча, Ҳиротни тарк этишига “чорасизлик, фалокат, тақдир ва хафагарчилик” сабаб бўлган бўлса, бу унинг ўзигагина маълум бўлган сабабларга кўра рўй берган. Навоий Абу Саъид Мирзо замонида сиёсат билан шугўлланмаган бир шоир эди”*.

Бундан ташқари, Алишер Навоийнинг Астрободга ҳоким қилиб юборилиши сабаблари ҳақида ҳам навоийшуносликда турли қарашлар мавжудлиги очик-ошқора тан олинган. Зеро, улуғ аждодимизнинг Астрободга жўнатилишига ҳозирги навоийшунослимизнинг сургун сифатида қараш ҳеч кимга сир эмас.

Китоб муаллифи ушбу муаммага ҳам ҳақиқатга имкон қадар яқин фикрларни илгари сурган. Хусусан, у А. Семёнов сингари бир қатор навоийшунос олимлар хулосаларига таянган ҳолда, *“Астробод Султон Хусайннинг энг бой ва муҳим вилояти эканлигини, унда, асосан, шаҳзодалар ёки султоннинг ўта ишончли кишилари ҳокимлик қилиб келганликлари ва Алишернинг Астрободга ҳоким этиб тайинланишини “узқк вилоят”га “фаҳрий сургун” сифатида тушуниш мумкин эмас”*, деб ҳисоблайди.

Адолатли давлат арбоби

Алишер Навоий ҳаёти ва фаолиятига кизиқиш ўз замонасидан бугунги кунга қадар сўнмай келмоқда, айниқса, кейинги йилларда тубдан кучайиб бормоқда. Табиийки, ижтимоий-тарихий тараққиёт илгарилангани сари инсон тафаккури муайян воқеа-ҳодисага нисбатан турли қарашларни намоян этади.

Бундай қарашлар, ҳар бир даврда пайдо бўлган гоёвий-эстетик йўналишлар неғизида туғилишини назарда тутсақ, тарихий шахслар фаолияти ана шу гоёвий-бадий ҳодисанинг мураккаб тафаккур мевасидир. Академик Ш. Сирожиiddинов қаламига мансуб янги китобнинг **“Амир Алишер ва сарой”** деб номланган иккинчи қисми тўлалигича Навоий бобомизнинг 35 йилдан ортқ сарой хизматида бўлган даври тафсилотларига бағишланганини худди шу омил билан изоҳлаш жоиз.

Теурийлар давлати тарихи ҳақида сўз борганда, Алишер Навоий номи машҳур давлат арбоби сифатида алоҳида тилга олинишини фахр ва ифтихор билан эътироф этамиз. Бу эътирофимизни султон Хусайн Бойқаро ул зотни **“Мамлакат устунни, давлат таянчи”**, деб таърифлагани баралла тасдиқлайди.

Шу маънода, ўзбек олимнинг фикрича, Алишер Навоий номи та-

рих зарваракларида мангу нақшланишининг сабаблари қуйидаги учта асосга боғлиқ:

биринчи асос — беназир, демак, тенгсиз ва ўхшаш йўқ истъододидан дарак берувчи асарлар ёзгани;

иккинчи асос — машҳур давлат арбоби бўлгани;

учинчи асос — уни улуғ пир мақомига юксалтирган муносиб хулқ-атвор соҳиби даражасига етганидир.

Аслида ҳам, Алишер Навоий ҳамisha шарият қонун-қоидалари ва Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам суннатига мувофиқ ҳолда, давлат ва халқ манфаатларини кўзлаб иш тутган. Ҳар бир ҳолатда зўравонликка учраган мазлумларнинг муаммоларини адолат нуқтаи назаридан ҳал қилган.

Алишер Навоий Амири кабир — Бош вазир сифатида узоқ йиллар давлат бошқарувининг энг муҳим ва нозик бўғинларида, суд-адлия, ички ишлар, солиқ тизими, ташқи дипломатик алоқалар, ички низолар, чегара муаммолари, умумхалқ ййғинлари ва тадбирларида давлат билан халқ манфаатларини доим йўғунлаштирган ва қатъий ҳимоя қилган. Ўз навбатида, китоб муаллифи ёзганидек, *“Навоийдаги бағрикенглик, адолатлилик, донолик, сиёсатдонлик ва фуқаролар гамини ёйиш фазилатлари Султонга давлатни адолатли бошқаришда яқиндан ёрдам берган”*.

Академик Ш. Сирожиiddинов айни шу масалалар юзасидан мутлақо янги, халқ ибораси билан айтганда, теша тегмаган фикрларни илгари сургани жуда муҳим. Унинг ишонч билан таъкидлашича, *“Олимларимизнинг тарихий воқеалардан анча четга чиқиб кетишларига, ўз фикрларини айтишдан кўра бир-бирларига суяниб фикр юритишлари сабаб бўлган. Илк навоийшуносларнинг совет тузуми мафқурасидан келиб чиқиб, Навоий “ҳақиқатини айтишдан кўрмуган шоир” бўлгани учун Султон “унинг заҳарли сўзларидан кутулиш учун бадарга қилди” тарзидаги талқинлари ҳақиқатга тўғри келмайди”*.

“Мақорим ул-ахлоқ” (“Гўзал хулқлар”) асарига кўра, Алишер Навоий подшога бирор қарор ёки масала юзасидан ўз фикрини ҳимоя қилиш мақсадида тўққиз мартагача мурожаат этиш ҳуқуқига эга бўлган. Лекин замондош навоийшунос олим ҳақли равишда айтганидек, *“Алишер Навоий Султонга тобе киши сифатида ҳеч қачон ҳақиқатни баралла айтга олмаган, балки мавриди билан тушунтиришга уринган”*.

Академик Ш. Сирожиiddинов асосли таъкидлаганидек, *“Алишер Навоий ҳаёти ва фаолияти ҳақида махсус ёзилган икки муҳим манба бизга етиб келган. Бу Фиёсиддин Хондамир ва Зайниддин Восийдин қаламига мансуб хотиралар тўпламидир”*.

Хусусан, Хондамир ўзининг “Мақорим ул-ахлоқ” асарида ҳазрат Навоийнинг маънавий қиёфасини тўла акс эттирган олган. Улуғ мутафаккирнинг таҳсинга сазовор фазилатлари ҳақида тўхталганда, машҳур тарихнавис бир ўринда Амир Алишерни “болалиқдан Аллоҳ назар солган шахс” деб таърифлаган бўлса, бошқа бир саҳифада валиларга хос сийратини кўрсатишга алоҳида эътибор қаратгани қаби далиллар ҳам айни фикрнинг ҳаққонийлигини исботлайди, назаримизда.

Шу билан бирга, таниқли навоийшунос олим “Мақорим ул-ахлоқ” асари муаллифининг камчилигини ҳам топиб бера олган. Гап шундаки, *“муаллифда аниқ маълумотлар бериш имконияти бўла туриб, биринчидан, кўп ҳолларда, воқеа-ҳодисаларнинг санасини зикр етмаган ва иккинчидан, Навоий ҳаётини санавий изчилликда очиб бермаган”*, деб ёзади академик Ш. Сирожиiddинов.

Айни шу нуқтаи назардан, олимнинг **“Амир Алишер”** номли китобида Амир Низомиддин Алишернинг шахсияти ва давлат арбоби сифатидаги фаолияти аниқ хронология асосида ёритилгани таҳсинга сазовор.

Ушбу китоб муаллифнинг 2011 йилда нашр этилган **“Алишер Навоий: манбаларнинг қийсий-типологик, текстологик таҳлили”** монографиясининг мантиқий давомидир. Чунки Навоий ҳазратларига бағишланган янги асарда олдинги китобда таҳлилга тортилмаган нодир тарихий асарлар ва таъкирлардаги маълумотлар атрофлича таҳлил этилгани эътибор ва эътирофга муносибдир.

Акмак САИДОВ, академик, юридик фанлар доктори, Ўзбекистон Ёзувчилар уюмси аъзоси.